ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУМАБАЕВ ДАВЛАТБАЙ ХАЛИЛЛАЕВИЧ

ФУНКЦИЯЛАРНИ АНАЛИТИК ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА СИНГУЛЯР ЧЕГАРАЛИ СОҲАЛАРДА МАХСУС ИНТЕГРАЛЛАРНИНГ ТАДҚИҚИ

01.01.01 – математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2017

УДК: 517.55

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУМАБАЕВ ДАВЛАТБАЙ ХАЛИЛЛАЕВИЧ

ФУНКЦИЯЛАРНИ АНАЛИТИК ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА СИНГУЛЯР ЧЕГАРАЛИ СОҲАЛАРДА МАХСУС ИНТЕГРАЛЛАРНИНГ ТАДҚИҚИ

01.01.01 – математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc./FM1 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://fti-kengash.uz/) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Худайберганов Гулмирза** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Кытманов Александр Мечиславович** физика-математика фанлари доктори, профессор Сибирь федерал университети (Россия)
	Шаимкулов Баходир Аллабердиевич физика-математика фанлари доктори
	Имомкулов Севдиёр Акромович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Урганч Давлат университети**

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___»___________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент ш., Бодомзор йўлиkўчаси, 2б-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: lutp@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали.)

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (______ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент ш., Бодомзор йўли кўчаси, 2б-уй. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _______________ куни тарқатилди.

(2017 йил «____» _______________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

С.Л.Лутпуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

А.В.Каримов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.д., профессор

А.С.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар кўп ўлчамли комплекс фазода функцияни аналитик давом эттириш ва сингуляр интеграл операторларни тадқиқ қилиниши долзарб эканлигини кўрсатмоқда. Дастлаб Германия ва Италия олимлари кўп комплекс ўзгарувчили голоморф функциялар учун Бохнер-Мартинелли интеграл ифодасини топишган. Франциялик олимлар томонидан топилган етарли даражада умумий бўлган Коши-Фонтаппье интеграл ифодаси эса Бохнер-Мартинеллининг ифодасидан осонгина келиб чиқади. Кўп ўлчамли комплекс анализда интеграл ифодалаш худди бир комплекс ўзгарувчили функциялар назариясидаги Кошининг ҳар хил ва муҳим татбиқларига эга булган интеграл ифодаси каби кучли конструктив қурол ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кўп ўлчамли комплекс анализда интеграл ифодалаш ва уларнинг татбиқига оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларга эътибор кучайтирилди, хусусан, кўп ўлчамли комплекс фазода функцияларни аналитик давом эттиришда махсус интеграллардан фойдаланиш мақсадида уларнинг чегаравий хоссаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Силлиқ чегарали соҳалар учун Бохнер-Мартинелли типидаги интегралнинг чегаравий хусусиятига оид сезиларли натижаларга эришилди.

Ҳозирги кунда жаҳонда сингуляр чегарали соҳаларда функцияни аналитик давом эттириш масалаларида Бохнер-Мартинелли, Хенкин-Рамирез, Коши-Сеге каби махсус интегралларнинг чегаравий хусусиятларини ўрганиш ва уларни татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади: кўп ўлчамли комплекс фазода берилган сингуляр чегарали соҳалар учун функцияни аналитик давом эттириш; соҳа чегарасида берилган функциянинг аналитик давом этиши шартига эга бўлиши; сингуляр интеграл операторларнинг чегаравий хоссаларини тадқиқ этиш; қатъий псевдоқавариқ соҳаларда ўрин алмаштириш ва композиция формулаларини ҳосил қилиш. Юқорида келтирилган илмий-тадқиқотлар йўналишида бажарилаётган илмий изланишлар мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини изоҳлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[1].

Кўп ўлчамли комплекс фазода функцияни аналитик давом эттириш ва сингуляр интеграл операторларни тадқиқ қилишга оид тадқиқотлар ва илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Princeton University, The University of North Carolina, University of Massachusetts Boston, Ohio State University, Stony Brook University, Baldwin Wallace University (АҚШ), Sapienza University of Rome (Италия), Bergische Universitat Wuppertal, Potsdam University (Германия), Сибирь Федерал университети, Россия Фанлар академияси Математика институти, Москва давлат университети, Новосибирск Давлат университети, Россия ФА Сибирь бўлими Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институти (Россия), Bar-Ilan University (Исроил), Université Stendhal-Grenoble, Universite Pierre et Marie Curie de Paris VI (Франция) да олиб борилмоқда.

Кўп ўлчамли комплекс фазода чегараси силлиқ бўлган соҳалар учун функцияни аналитик давом эттириш ва махсус интегралларнинг чегаравий хоссаларини ўрганишга оид дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор долзарб масалалар ечилган, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Бохнер (Princeton University (АҚШ)) ва Мартинелли (Sapienza University of Rome (Италия)), ўзаро боғлиқсиз ҳолда бир биридан хабарсиз голоморф функцияларнинг компакт махсус хусусиятларини бартараф этиш ҳақидаги Гартогс теоремасини исботлашди; Бохнер эса, аслини олганда, чегараси силлиқ бўлган соҳалар ва соҳа чегарасида узлуксиз бўлган функциялар учун Гартогс теоремасини исботлаган; Вайнсток (Baldwin Wallace University (АҚШ)) уни чегараси чексиз марта силлиқ бўлган соҳаларда узлуксиз бўлган функциялар учун исботлади; Л.А.Айзенберг (Bar-Ilan University (Исроил)) ва А.М.Кытмановнинг (Сибирь Федерал университети (Россия)) ишларида C^n да берилган силлиқ чегарали чегараланган D соҳа чегарасида ва чегара бўйича интеграллашда Бохнер-Мартинелли ядросига ортогонал бўлган функцияни голоморф давом эттириш исботланган.

Дунёда бугунги кунда кўп ўлчамли комплекс анализда интеграл ифодаларни тадқиқ этиш ва уларнинг қўлланилиши бўйича бир қатор, жумладан: Бохнер-Мартинелли интегралининг чегаравий хоссалари ва унинг функцияни голоморф давом эттириш масалаларига татбиқлари; Бохнер-Мартинелли интегралининг сакраши ҳақидаги теоремалар; Лере (Коши-

---

[1]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.math.prinston.edu, www.northcorolina.edu, www.umb.edu, www.osu.edu, www.stonybrook.edu, www.bw.edu, www.unirome1.it, www.uni-wuppertal.de, www.uni-postdam.de, www.sfu-kras.ru, www.mi.ras.ru, www.msu.ru, www.nsu.ru, www1.bin.ac.il, www.ac-grenoble.fr/stendhal/, www.upmc.fr, http://mi.mathnet.ru/rus/msb/v136/i4/p567 ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Фонтаппье), Хенкин-Рамерез, Коши-Сеге (Хуа Локен) интеграл формулалари татбиқлари; махсусликка эга бўлган гиперсиртларда CR-функцияларнинг аналитик ифодаси; Морера теоремасининг кўп ўлчамли чегаравий аналоглари; шар ва ярим текисликда Бохнер-Мартинелли оператори; чегараланган соҳанинг чегарасида берилган функциянинг шу соҳа ичкарисига голоморф давом этиши; турли соҳаларда Хенкин-Рамирез махсус интеграли учун ўрин алмаштириш ва композиция формулаларини ҳосил қилиш каби устивор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сакраш ҳақидаги масала Бохнер-Мартинелли интеграли учун қўрилган масалаларнинг биринчиларидан ҳисобланади. Унинг учун функция силлиқлиги хоссаси ва соҳанинг чегаралари худди Коши интеграли кабидир. Сохоцкий-Племел формуласи ва бундан ташкари, $F^{+}(z^{+})-F^{-}(z^{-})$ айирма соҳа чегарасида $z^{0}\in\partial D$ нуқтада лимитга эга бўлиши мумкин, $F^{+}(z^{+})$ ва $F^{-}(z^{-})$ функциялар эса алоҳида лимитга эга эмаслигини исботлашдан кўра, одатда сакраш ҳақидаги теоремани исботлаш осонроқ. Шунинг учун сакраш ҳақидаги теорема Сохоцкий-Племел формуласидан кўра кенгроқ функциялар синфи учун ўринлидир. Дастлаб бир ўзгарувчили ҳол учун Коши типидаги интеграл чегаравий қийматлари формулалари Ю.Сохоцкий, И.Племел, И.Приваловлар илмий изланишлари бағишланган. Бохнер-Мартинелли (типидаги) интеграл сакраши ҳақидаги турли теоремалар бўйича Лу Цикен, Чжун Тунде, В.Какичев, Е.Чирка, Г.Хенкин, Л.Айзенберг, А.Кытманов, Ш.Даутов, А.Аронов, Р.Харви, Х.Лаусон, Ш.Ярмухамедов, Б.Шоимкулов, Н.Тарханов, Б.Преновлар илмий изланишлар олиб боришган.

Бохнер-Мартинелли типидаги сингуляр интеграл операторлар ва потенциалларни тадқиқ этиш давомида А.Кытманов, С.Мысливец, Н.Тархановлар коник махсус нуқтали чегараланган D соҳалар ҳолатини кўриб чиқишган. Бохнер-Мартинелли типидаги махсус интегралларни алмаштириш ҳақидаги масалани ўрганишда А.М.Кытманов, Б.Б.Пренов ва Н.Н.Тархановлар Коши типидаги интеграл учун Пуанкаре-Бертраннинг классик формуласидан фарқ қилувчи формулани ҳосил қилишган. Кейинчалик А.М.Кытманов ва А.С.Кацунова комплекс текисликдаги Пункаре-Бертран формуласи билан яхши мосланадиган Коши-Сеге формуласини ҳосил қилишган. А.Кытманов, С.Мысливец ва Н.Тарханов ҳамда, А.Кытманов ва С.Мысливецларнинг ишларида бўлакли-силлиқ эмас, балки сингуляр чегарали соҳаларнинг янада умумийроқ синфлари кўриб чиқилган. Конормал символни ўрганишда сингуляр қиррали соҳада Сохоцкий-Племел теоремасининг аналоги бўлган Бохнер-Мартинелли интегралининг сакраши ҳақидаги теоремани умумлаштириш зарур бўлган. А.Кытманов, С.Мысливец ва Н.Тархановлар ишида коник махсус нуқтали соҳаларда Бохнер-Мартинелли операторининг конормал символи эффектив ҳисобланиши мумкинлиги кўрсатилган.

C^n кўп ўлчамли комплекс фазода, яқинда Бохнер-Мартинеллининг махсус интеграли учун ўрин алмаштириш формулаларининг аналоглари олинган ҳамда унда Коши (А.Кытманов, Н.Тарханов ва Б.Пренов) бўйича махсус интегралнинг бош қиймати, қатъий псевдоқаварик соҳаларда эса Керзман-Стейн (А.Кацунова) бўйича бош қиймат учун Бохнер-Мартинелли интеграли кўриб чиқилган. А.Кацунова ва А.Кытмановнинг ишида шар ҳоли кўрилган ва Коши-Сегенинг махсус интеграли учун ўрин алмаштириш ҳамда композиция формулалари келтирилган. Улар кўриниши бўйича Пуанкаре-Бертраннинг классик формуласига ва Коши типидаги интеграл учун композиция формуласига ўхшайди. Кўп ўлчамли комплекс фазода интеграл формулалар назарияси ва уларнинг татбиқлари Л.Айзенберг, А.Южаков, F.Hervey, J.Lowson, N.Kerzman, E.Stein, G.Lupacciolu, E.Stout, B.Weinstock, Е.Чирка, Ф.Кытманов, Ш.Ярмухамедов, Н.Тарханов, А.Аронов, Ш.Даутов, Г.Хенкин, М.Аграновский, А.Шляпунов, Б.Шаимкулов, Б.Пренов, А.Кацунова, Д.Джумабаевлар изланишларида ривожлантирилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг ОТ-Ф1-116 “Аналитик давом эттириш ва геометрик функциялар назарияси масалалари” (2007-2011) ва Ф-4-31 “Плюрипотенциал назарияси ва кўп ўлчамли анализда интеграл ифодалар” (2012-2016) мавзусидаги илмий тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлакли-силлиқ чегарали соҳаларда ва сингуляр чегарали соҳаларда Бохнер-Мартинелли интегралининг чегарадаги ҳолатини тадқиқ этиш ҳамда олинган натижаларни фукцияларни голоморф давом эттириш масалаларига қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

C^n да чегараланган бўлакли-силлиқ чегарали соҳаларда ва сингуляр чегарали соҳаларда Бохнер-Мартинелли интегралининг сакраши ҳақидаги теоремаларни исботлаш;

Хенкин-Рамирез такрорий интегралининг ўрин алмашиши ҳақидаги теоремаларни исботлаш;

функцияларни голоморф давом эттириш (юқорида келтирилган соҳаларда) ҳақидаги теоремаларни олиш ва натижа сифатида Гартогс-Бохнер, Айзенберг-Кытманов теоремалари аналогларини топиш;

чегараланган ва чегараси бўлакли-силлиқ бўлган соҳа чегарасида берилган функциянинг шу соҳа ичкарисига голоморф давом этиши билан боғлиқ натижалар олиш;

қатъий псевдоқаварик соҳаларда Хенкин-Рамирез махсус интеграл оператори учун ўрин алмаштириш формуласи ва композиция формуласини ҳосил қилиш;

коник қирраларни ўз ичига олувчи чегарали соҳаларда Привалов теоремаси аналогини исботлаш ва Соходский-Племел формуласини ҳосил қилиш;

коник қиррали ёпиқ гиперсиртлардан функцияларнинг голоморф давом этиши масалаларини тадқиқ қилиш;

Бохнер-Мартинелли махсус интеграл операторидан ҳосил бўлган операторлар алгебрасини ўрганиш. Бу операторнинг конормал символини ва унинг асимптотик ёйилмасини топиш.

Тадқиқотнинг объекти кўп ўлчамли комплекс фазодаги сингуляр чегарали чегараланган соҳаларда турли хил сингуляр интеграл операторлар (Бохнер-Мартинелли, Коши-Сеге, Хенкин-Рамирез).

Тадқиқотнинг предмети сингуляр нуқтали ва сингуляр қиррали соҳа чегарасида берилган функцияларнинг аналитик давом этиши ҳақидаги теоремага мос келувчи интеграл операторлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида кўп ўлчамли комплекс анализдаги голоморф функцияларнинг интеграл ифодалари ва кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлакли-силлиқ чегарали ва чегараси коник қирраларни ўз ичига олувчи чегараланган соҳаларда Бохнер-Мартинелли типидаги интеграл чегаравий хусусияти билан боғлиқ масалалар ечилган;

шундай соҳаларда Бохнер-Мартинелли типидаги интеграл сакраши ҳақидаги теоремалар исботланган;

Хенкин-Рамирез такрорий интегралининг ўрин алмашиши ҳақидаги теоремалари исботланган;

чегараси коник қирраларни ўз ичига олувчи чегараланган соҳаларда функцияларни голоморф давом эттириш ҳақидаги теоремалар ҳамда Гартогс-Бохнернинг голоморф давом эттириш ҳақидаги теоремасининг аналоглари исботланган;

Айзенберг-Кытмановнинг теоремаларини кучайтирувчи коник қирраларни ўз ичига олувчи чегарали соҳаларда Бохнер-Мартинелли интеграли орқали ифодаланувчи функциялар голоморфлиги ҳақидаги теоремалар исботланган;

қатъий псевдоқавариқ соҳаларда Хенкин-Рамирез махсус интеграл оператори учун ўрин алмаштириш формуласи ва композиция формуласи ҳосил қилинган;

чегараланган ва коник қирраларни ўз ичига олувчи чегарали соҳаларда Привалов теоремаси аналоги ва Соходский-Племел формуласи топилган;

сингуляр чегарали соҳаларда Бохнер-Мартинелли махсус интеграл операторидан ҳосил бўлган операторлар алгебраси тадқиқ қилинган ҳамда унинг конормал символи топилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат**:**

Бохнер-Мартинелли типидаги интегралнинг сакраши ҳақидаги исботланган теоремалар кўп ўлчовли комплекс анализда интеграл ифодалар назарияси масалаларини тадқиқ қилишда ҳамда математик физиканинг чегаравий масалаларни ечиш усулларида қўлланилиши мумкинлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик анализ, функционал анализ ва комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сингуляр чегарали соҳаларда функцияларни голоморф давом эттириш ва интеграл ифодаларнинг чегаравий хоссалари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда олинган илмий натижалар сингуляр чегарали чегараланган соҳаларда турли хил сингуляр интеграл тенгламаларни ечишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

Гартогс-Бохнернинг классик теоремасини умумлаштирувчи, яъни узлуксиз функция учун соҳа чегарасидан функцияни голоморф давом эттириш шартлари “Голоморф ва гармоник функцияларни аналитик давом эттириш” мавзусидаги 08-01-90250 рақамли хорижий грантда соҳа чегараси бўлакли-силлиқ бўлган ҳолларда функцияларни голоморф давом эттириш учун қўлланилган (Сибирь федерал университетининг 2016 йил 8 ноябрдаги 33/11-6981-сонли маълумотномаси, Россия). Илмий натижанинг қўлланилиши Бохнер-Мартинелли интеграли билан ифодаланувчи функцияларни голоморф давом эттириш ҳақидаги теоремаларни умумлаштириш имконини берган;

соҳа чегарасининг қисмидан функцияларни голоморф давом эттириш “Мураккаб реологияли икки тезликли муҳитнинг математик модели: тўғри ва тескари масалалар” мавзусидаги 13-01-00689 рақамли хорижий грантда соҳа чегарасидаги мураккаброқ махсус ҳолатлар ҳақидаги масалаларни ечишда қўлланилган (Россия ФА Сибирь бўлими Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институтининг 2016 йил 7 ноябрдаги 12-2711-сонли маълумотномаси, Россия). Илмий натижанинг қўлланилиши суюқлик билан тўлдирилган ғовак ярим фазода дилатансия соҳаларини қуриш имконини берган;

коник қиррали гиперсиртларда Бохнер-Мартинелли сингуляр интеграл оператори “Комплекс анализда кўп ўлчамли чегирмалар, уларнинг статистик физика ҳамда айирмалар ва дифференциал тенгламалар назарияларида қўлланилиши” мавзусидаги 11-01-00852-а рақамли хорижий грантда чегараси коник қиррани ичига олган соҳалардаги сингуляр интеграл операторларга қўлланилган (Сибирь федерал университетининг 2016 йил 8 ноябрдаги 33/11-6980-сонли маълумотномаси, Россия). Илмий натижанинг қўлланилиши коник қиррали гиперсиртларда сингуляр интеграл операторлар алгебраларини таснифлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатция комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 6 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш кисми, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 161 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий моҳияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бошланғич маълумотлар»** деб номланувчи биринчи бобида асосий натижаларни олишда зарур бўлган муҳим тушунчалар, Бохнер-Мартинелли ва Хенкин-Рамирез интеграллари хоссалари ва улар билан ифодаланувчи функцияларнинг чегараси силлиқ бўлган соҳаларда голоморф давом эттирилишига оид теоремалар келтирилган.

Диссертациянинг **«Чегараси бўлакли-силлиқ бўлган соҳаларда Бохнер-Мартинелли интегралининг сакраши ҳақидаги теоремалар»** деб номланувчи иккинчи боби бўлакли-силлиқ чегарали соҳаларда Бохнер-Мартинелли интегралининг сакраши ҳақидаги теоремаларга бағишланган. Шунингдек, Хенкин-Рамирез такрорий махсус интегралининг ўрин алмаштириш ҳақидаги теоремалари бўш махсусликка эга бўлган ҳол учун исботланган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида бўлакли-силлиқ чегарали соҳада узлуксиз функциянинг Бохнер-Мартинелли интеграли сакраши ҳақида қуйидаги теорема исботланган.

Теорема 1. *Айтайлик, D - бўлакли-силлиқ чегарали $\mathbb{C}^n$ да чегараланган соҳа бўлсин. Агар $f \in \mathcal{C}(\partial D)$ бўлса, унда ушбу*

$$\lim_{z^{\pm}\to z^0}(F^+(z^+) - F^-(z^-)) = f(z^0)$$

лимит ихтиёрий $z^0 \in \partial D$ нуқтада мавжуд ҳамда $z^{\pm}$ нуқталар учи z^0 нуқтада бўлган ўзгармас ўлчамли тайин конусда ётса, $z^+ \in D$, $z^- \notin \overline{D}$, лимит қийматига текис эришади.

Бу ерда F^+ ва F^- лар f функциянинг Бохнер-Мартинелли (типидаги) интеграли бўлиб, F интеграл D соҳанинг ичкарисида ёки $\bar{D}$ нинг ташқарисида олинишига қараб $\pm$ ишораларида қаралади. $z^+ \in D$ ва $z^- \in \mathbb{C}^n \setminus \bar{D}$ нуқталар учи $z^0 \in \partial D$ нуқтада бўлган доиравий, икки паллали конус ичида ётиб, конуснинг ўқи билан ясовчиси орасидаги β бурчак етарлича кичик ва $a|z^+ - z^0| \le |z^- - z^0| \le b|z^+ - z^0|,\ 0 < a \le b < +\infty$. Бу теорема Ш.А.Даутов ва А.М.Кытмановларнинг силлиқ чегарали соҳа бўйича Бохнер-Мартинелли интегралининг сакраши ҳақидаги натижасини умумлаштиради. Шундай қилиб, узлуксиз функцияларнинг Бохнера-Мартинелли инреграли чегаравий нуқталарда силлиқлик бузилган ҳолда ҳам силлиқлик бўлган ҳолдаги каби бўлиши исботланади.

Теорема 1 дан қуйидаги натижа келиб чиқади:

Натижа 1. *Агар теорема 1 шартларида F^+ функция $\bar{D}$ га узлуксиз давом эттирилса, у ҳолда F^- ҳам $\mathbb{C}^n \setminus D$ га узлуксиз давом эттирилади ва аксинча*.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида қуйидаги теорема исботланган:

Теорема 2. *Айтайлик, $f \in \mathcal{L}^p(\partial D),\ 1 \le p < \infty$. Агар $F(z)$ функция f функциянинг Бохнер-Мартинелли интеграли бўлса, у ҳолда*

$$\lim_{\varepsilon \to +0} \sum_{j=1}^{s_0} \int_{\tilde{\Gamma}_j} |F(z - \varepsilon \nu_j(z)) - F(z + \varepsilon \nu_j(z)) - f(z)|^p \, d\sigma = 0,$$

шунингдек

$$\sum_{j=1}^{s_0} \int_{\tilde{\Gamma}_j} |F(z - \varepsilon \nu_j(z)) - F(z + \varepsilon \nu_j(z))|^p \, d\sigma \le C \int_{\partial D} |f|^p \, d\sigma,$$

бунда C ўзгармас ҳамда у f ва ε га боғлиқ эмас (ε етарли даражада кичик бўлганда $z - \varepsilon \nu_j(z) \in D,\ z + \varepsilon \nu_j(z) \in (\mathbb{C}^n \setminus \bar{D})$).

Бу ерда

$$D = \{z \in \mathbb{C}^n : \rho_1(z) < 0, \ldots, \rho_{s_0}(z) < 0\},$$

$$\tilde{\Gamma}_j = \{z \in \partial D : \rho_j(z) = 0\},\ \partial D = \bigcup_{j=1}^{s_0} \tilde{\Gamma}_j.$$

$\tilde{\Gamma}_j$ - чегараси бўлакли-силлиқ бўлган силлиқ сиртлар, $\nu_j(\zeta)$ - $\tilde{\Gamma}_j$ сиртнинг ζ нуқтасига ўтказилган ташқи нормалнинг бирлик вектори, $d\sigma$ - ∂D даги Лебег ўлчови.

Теорема 2 А.М.Кытмановнинг мос натижаларини умумлаштиради.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида бўлакли икки марта силлиқ чегарали соҳа бўйича Бохнер-Мартинелли интеграли $\bar{\partial}$-нормал ҳосиласининг сакраши ҳақидаги қуйидаги теорема исботланган.

Теорема 3. *Агар $f \in \mathcal{C}(\partial D)$ бўлса, у ҳолда F Бохнер-Мартинелли интеграли учун*

$$\lim_{z^\pm \to z^0} (\bar{\partial}_n F^+(z^+) - \bar{\partial}_n F^-(z^-)) = 0.$$

бўлади. Бу лимитга, агар β бурчак тайинланган бўлса, $z^0 \in \partial D$ нуқтага нисбатан текис эришилади. Агар $\overline{\partial}_n F^+(z^+)$ $\overline{D}$ да узлуксиз давом эттирилса, унда $\overline{\partial}_n F^-(z^-)$ ҳам $\mathbb{C}^n \setminus D$ да узлуксиз давом эттирилади ва аксинча.

Бу ерда $z^+ \in D$ ва $z^- \in \mathbb{C}^n \setminus \overline{D}$ нуқталар учи $z^0 \in \partial D$ нуқтада бўлган тўғри доиравий конус ичида ётиб, конуснинг ўқи билан ясовчиси орасидаги β бурчак етарлича кичик. z^+ ва z^- нуқталар z^0 дан ўтувчи бир тўғри чизиқда ётиб, қуйидаги шарт бажарилади:

$$|z^+ - z^0| = |z^- - z^0|.$$

$\overline{\partial}$-нормал ҳосила $\overline{\partial}_n F^\pm$ соҳанинг чегарасида ушбу

$$*\overline{\partial} F^\pm = 2^{1-n} i^n \sum_{k=1}^{n} (-1)^{k-1} \frac{\partial F^\pm}{\partial \overline{z}_k} dz[k] \wedge d\overline{z}$$

(бунда * - Ходжа оператори) форманинг қисқаришини ифодалайди, яъни

$$\overline{\partial}_n F^\pm = \sum_{k=1}^{n} \frac{\partial F^\pm}{\partial \overline{z}_k} (\rho_j)_k,$$

бунда $(\rho_j)_k = \dfrac{\partial \rho_j}{\partial z_k} / |\, grad \rho_j \,|$.

Теорема 3 А.М.Кытманов ва Л.А.Айзенбергларнинг икки марта силлиқ чегарали соҳалар учун исботланган теоремасини умумлаштиради. Шунингдек, теорема 3 Ляпуновнинг иккиланган потенциалда нормал ҳосиласининг сакраши ҳақидаги теоремасининг аналоги бўлади.

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфида Хенкин-Рамирез такрорий махсус интегралининг ўрин алмаштириш ҳақидаги теоремалари бўш махсусликка эга бўлган ҳол учун исботланган.

Диссертациянинг **«Бохнер-Мартинелли интеграли билан ифодаланувчи функцияларнинг голоморфлиги ҳақидаги теоремалар»** деб номланувчи учинчи боби чегараси бўлакли-силлиқ бўлган соҳаларда функцияларнинг голоморф давом эттирилиши ҳақидаги турли теоремаларга, шунингдек, қатъий псевдоқавариқ соҳаларда Хенкин-Рамирез махсус интеграл операторларига бағишланган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида Гартогс-Бохнернинг давом эттириш ҳақидаги теоремаларни аналоглари келтирилган.

Теорема 4. *Айтайлик, D - $\mathbb{C}^n$ $(n > 1)$ да чегараланган соҳа ва $\mathbb{C}^n \setminus \overline{D}$ - боғламли, ∂D - бўлакли силлиқ. Агар $f \in \mathcal{C}(\partial D)$ функция коэффициентлари $\mathcal{C}^\infty$ синфда бўлган $\mathbb{C}^n$ даги барча $(n, n-2)$ типдаги дифференциал форма ω учун ушбу*

$$\int_{\partial D} f \overline{\partial} \omega = 0$$

шартни бажарса, у ҳолда f функция D га голоморф давом эттирилади.

Ушбу параграфда Вайнсток теоремасининг аналоги исботланган бўлиб, у Вайнстокнинг мос натижасини кучайтиради.

Теорема 5. *Айтайлик, D - соҳа $\mathbb{C}^n$ да бўлакли силлиқ $\mathcal{C}^1$ классдаги чегарага эга, f функция эса $f \in \mathcal{C}(\partial D)$ ва ∂D да ушбу шартни қаноатлантиради*

$$\int_{\partial D} f\alpha = 0$$

бунда коэффициентлари $\mathcal{C}^\infty(\bar{D})$ бўлган ҳар қандай $(n,n-1)$ типдаги α форма учун ва $\bar{D}$ да $\bar{\partial}\alpha = 0$. У ҳолда f функция D га голоморф давом эттирилади. f нинг голоморф давом эттирилиши Бохнер-Мартинелли интеграли орқали ифодаланади.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида Бохнер-Мартинелли интеграли орқали ифодаланадиган функцияларнинг голоморфлиги ҳақида қуйидаги теоремалар исботланган.

Теорема 6. *Айтайлик, f функция бўлакли-силлиқ чегарали D соҳада гармоник функция бўлиб, $f \in \mathcal{C}(\bar{D})$ ва $\bar{\partial}_n f \in \mathcal{C}(\bar{D})$ бўлсин. У ҳолда қуйидаги шартлар эквивалент:*

1. $\bar{\partial}_n f = 0, \partial D$ да;

2. $F^+ = f, D$ да;

3. $F^- = 0, \bar{D}$ дан ташқарида.

Теорема 7. *Айтайлик, D чегараланган соҳа $\mathbb{C}^n$ даги бўлакли икки марта силлиқ чегарали соҳа бўлсин. $f \in \mathcal{C}(\bar{D})$ функциянинг D да голоморф бўлиши учун D да $F^+ = f$ бўлиши зарур ва етарли.*

Теорема 7 чегараси икки марта силлиқ бўлган соҳалар учун А.Кытманов ва Л.Айзенберглар томонидан исботланган.

Натижа 2. *Агар $f \in \mathcal{C}(\partial D), \partial D$ - бўлакли икки марта силлиқ, у ҳолда қуйидаги шартлар эквивалент бўлади:*

1. f функция D да $\mathcal{C}(\bar{D})$ синфдаги функциягача давом эттирилади;

2. $F^- = 0$, $\bar{D}$ дан ташқарида;

3. F^+ f нинг D га гармоник давом эттирилишини беради;

4. $\bar{\partial}_n F^+$ $\bar{D}$ га узлуксиз давом эттирилади ва $\bar{\partial}_n F^+|_{\partial D} = 0$.

Теорема 8. *Айтайлик, $\mathbb{C}^n$ $(n>1)$ даги D соҳанинг чегараси $\mathcal{C}^2$ синфда бўлакли-силлиқ ва $\mathbb{C}^n \setminus \bar{D}$ боғламли бўлсин. Агар $f \in \mathcal{C}(\partial D)$ ва F^+ эса D голоморф бўлса, у ҳолда F^+ нинг чегаравий қиймати f билан устма-уст тушади.*

Теорема 8 ни чегараси $\mathcal{C}^2$ синфда силлиқ соҳалар учун А.Кытманов исботлаган.

Натижа 3. *Айтайлик, ∂D - $\mathcal{C}^2$ синфда бўлакли-силлиқ ва боғламли, f функция эса $f \in \mathcal{C}(\partial D)$. f функция D га $f \in \mathcal{O}(D) \bigcap \mathcal{C}(\bar{D})$ функциягача давом этиши учун барча s,t,k ларда ушбу*

$$\int_{\partial D} f(*\partial P_{s,t,k}) = \int_{\partial D} f\partial_n P_{s,t,k} d\sigma = 0$$

тенгликнинг бажарилиши зарур ва етарли.

Бунда $\{P_{s,t,k}\}$ - $\mathcal{L}^2(S(0,1))$ даги ортонормалланган базис бўлиб, у бир жинсли гармоник полиномлардан иборат, бунда z полином s даражали, $\overline{z}$ полином t даражали: $s,t = 0,1,...,k \geq 1$, $S(0,1)$ - маркази 0 нуқтада радиуси 1 бўлган сфера.

Маълумки, Пуанкаре-Бертран ўрин алмаштириш формуласи ва Коши типидаги интеграллар учун композиция формулалари комплекс текислигида катта рол ўйнайди. Улар сингуляр интеграл тенгламаларни ечишда фойдаланилади. Кўп ўзгарувчили функцияда ҳам бу масалаларнинг қўйилиши (масалан, Риманнинг аддитив масаласи) анча мураккаб ҳисобланади. Бунда қийинчилик чегараланган соҳанинг ташқарисидан ичкарисига мажбурий голоморф давом эттириш ҳақидаги (Гартогс теоремаси) теореманинг мавжудлиги ва мос келувчи ўрин алмаштириш формуласи ҳамда композиция формуласининг йўқлиги билан боғлиқдир.

Бинобарин, табиий равишда голоморф ядро интегралларни қараш зарурияти юзага келади. Шунинг учун ҳам голоморф ядроли интеграл ифодаларни кўриб чиқиш табиий. Қатъий псевдоқаварик соҳалар учун Хенкин-Рамирез интеграл ифодаси шундай стандарт ифода ҳисобланади. Кацунова ва Кытманов ишида Хенкин-Рамирез ядросининг хусусий ҳоли учун яъни шарда Коши-Сеге интеграли учун ўрин алмаштириш ва композиция формулалари олинган, Коши интеграли учун олинган аналогик формулаларга ўхшаш.

Учинчи бобнинг учинчи параграфида қатъий псевдоқаварик соҳаларда Коши бўйича ва Керзман-Стейн бўйича иккита стандарт бош қийматлар учун Хенкин-Рамирез махсус интеграли учун ўрин алмаштириш ва композиция формулалари исботланган. Бу формулалар ҳар хил бош қийматлар учун турлича бўлиб, аммо Коши интеграли учун формулаларга ўхшаш. Шунинг учун ҳам олинган формулалардан соҳа чегарасида сингуляр интеграл тенгламаларни ечишда фойдаланилади. Хенкин-Рамирез махсус интеграли учун, Коши бўйича бош қиймат ҳоли учун, Пуанкаре-Бертран ўрин алмаштириш формуласи аналоги келтирилган.

Айтайлик, D - қатъий псевдоқаварик соҳа, S эса Dнинг чегараси бўлсин.

Теорема 9. $n > 1$*бўлганда барча* $\zeta^0, z^0, w \in S$, $\zeta^0 \neq z^0$ *нуқталар учун ушбу*

$$\int_{S_w} H(w, z^0) H(\zeta^0, w) d\sigma(w) = H(\zeta^0, z^0),$$

тенглик ўринли, бунда $H(\zeta, z)$ - *чегарага қисқарадиган ва сирт элементига бўлинган Хенкин-Рамирез ядроси.*

Теорема 10. *Айтайлик,* $n > 1$ *бўлсин. Агар* $f \in C^\alpha(S \times S)$ *бўлса, у ҳолда*

$$\int_{S_w} H(w,z)d\sigma(w)\int_{S_\zeta} f(\zeta,w)H(\zeta,w)d\sigma(\zeta) =$$
$$= \int_{S_\zeta} d\sigma(\zeta)\int_{S_w} f(\zeta,w)H(w,z)H(\zeta,w)d\sigma(w), z\in S$$

бўлади.

Хенкин-Рамирез интегралида Керзман-Стейн маъносидаги бош қийматлар бўйича формулалар қаралган.

Теорема 11. *Ушбу* $z^0,\zeta^0,w\in S$ *нуқталар учун*

$$\int_{S_w} H(w,z^0)H(\zeta^0,w)d\sigma(w) = 0, \quad z^0 \neq \zeta^0$$

тенглик ўринли.

Теорема 12. $f\in \mathcal{C}^\alpha_{KS}(S\times S)$ *бўлсин, у ҳолда*

$$\int_{S_w} H(w,z)d\sigma(w)\int_{S_\zeta} f(\zeta,w)H(\zeta,w)d\sigma(\zeta) =$$
$$= \int_{S_\zeta} d\sigma(\zeta)\int_{S_w} f(\zeta,w)H(w,z)H(\zeta,w)d\sigma(w) + \frac{1}{4}f(z,z),\ z\in S$$

бўлади.

Формаси бўйича бу формула Коши типидаги интеграл учун Пуанкаре-Бертраннинг классик формуласи кўринишига эга.

Шунингдек, Хенкин-Рамирезнинг махсус интеграли учун композиция формуласи келтирилган қуйидаги натижа олинган:

Натижа 4. $n\geq 1$*бўлсин. Агар* $f(\zeta,w)=f(\zeta)\in \mathcal{C}^\alpha_{KS}(S)$ *бўлса, унда*

$$H^2_{sh}[f] = \frac{1}{4}f(z), \quad z\in S$$

бўлади.

Бу ерда $H_{sh}[f]$ - f функцияга Керзман-Стейн бўйича бош қиймат учун Хенкин-Рамирез махсус интегралининг қиймати.

Диссертациянинг **«Коник қиррали соҳаларда Бохнер-Мартинелли интеграл оператори»** деб номланувчи тўртинчи бобида чегараси коник қиррага эга бўлган чегараланган соҳаларда Бохнер-Мартинелли интегралининг характери (хусусияти) тадқиқ қилинган.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз.

$\mathbb{C}^n$ билан $\mathbb{R}^{2n}$ ни қуйидагича тенглаштирамиз $z_j = x_j + \imath x_{n+j}$ бунда $j=1,\ldots,n$. Яьни $(z_1,...,z_n)=(x_1,...,x_n,x_{n+1},...,x_{2n})\in\mathbb{R}^{2n}$. Шунингдек, $x=(x_1,...,x_{2n}),\ x'=(x_1,...,x_{p+1}),\ x''=(x_{p+3},...,x_{2n}),\ x=(x',x_{p+2},x'')$.

Силлиқ сирт Σ ни $\mathbb{R}^{p+2}\setminus\{0\}$ да қараймиз, сингуляр нуқта координата бошида бўлиб, сирт қуйидагича бўлсин

$$\Sigma = \{(rx',r)\in\mathbb{R}^{p+2} : x'\in X', r\in[0,R)\}.$$

Бунда $x'=(x_1,\ldots,x_{p+1})$ нуқталар $\mathbb{R}^{p+1}$ даги компакт силлиқ гиперсирт X' да ўзгаради, X' - ўз ичига координата бошини олмайди.

Масалан, X' ρ-ўлчовли, маркази нолда бўлган сфера.

Кейинчалик $X' = \{x' \in \mathbb{R}^{p+1} : \rho(x') = 1\}$ деб қараймиз, бунда ρ - C^1 классга тегишли $\mathbb{R}^{p+1} \setminus \{0\}$ даги ҳақиқий қийматли функция, барча $\lambda > 0$ ва бирор ўзгармас $h > 0$ учун қуйида шартларни, яъни X' да $\nabla\rho \neq 0$ ва $\rho(\lambda x') = \lambda^h \rho(x')$ бажаради.

Координата боши Σ нинг махсус коник нуқтаси ҳисобланади. Σ нинг силлиқ қисмида аниқловчи функцияни топиш қийин эмас. Ҳақиқатан ҳам, $(x', x_{p+2}) \in \Sigma \setminus \{0\}$ учун

$$\rho\left(\frac{x'}{x_{p+2}}\right) = 1,$$

бўлиб, ρ функциянинг бир жинслилигини

$$\Sigma = \{(x', x_{p+2}) \in \mathbb{R}^{p+2} : \psi(x', x_{p+2}) = 0, x_{p+2} \in [0, R)\},$$

тенглик ифодалайди, бунда

$$\psi(x', x_{p+2}) = \rho(x') - (x_{p+2})^h.$$

Айтайлик,

$$S = \Sigma \times X'',$$

бунда X'' - $\mathbb{R}^q$ да очиқ чегараланган тўплам, $p + 1 + q = 2n - 1$. Шундай қилиб, S $\mathbb{C}^n$ да $F = O' \times X''$ ($O' = (0, \ldots, 0) \in \mathbb{R}^{p+2}$) коник қиррали гиперсирт бўлади.

Айтайлик, D $\mathbb{C}^n$ даги чегараланган соҳа бўлсин. D соҳанинг чегарасини қуйидаги

$$\partial D = Y \cup (S_1 \cup \ldots \cup S_N),$$

кўринишга эга бўлсин деб қараймиз. Бунда Y силлиқ гиперсирт бўлиб, S_ν лардан ҳар бири бирор коник гиперсирт S да диффеоморф (турли p ва q). Шундай қилиб, ∂D - чекли сондаги коник қиррали силлиқ гиперсирт. Шуни таъкидлаш керакки, бундай соҳаларда Стокс формуласи ўринли бўлади.

Махсус нуқта яқинидаги қилинган анализ локал хусусиятга эга бўлиб, умумийликка зиён етказмасдан, $N = 1$, яъни $\partial D = Y \cup S$, дейиш мумкин, бунда

$$S = \{z \in \mathbb{C}^n : z = (rx', r, x''), x' \in X', x'' \in X'', r \in [0, R)\}.$$

Тўртинчи бобнинг биринчи параграфида Привалов теоремасининг аналоги келтирилган бўлиб, у S коник қирра яқинида Бохнер-Мартинелли интегралининг хусусияти билан боғланган. Бу тасдиқ А.М.Кытманов томонидан силлиқ гиперсиртлар ∂D бўлган ҳол учун исботланган. Шунингдек, чегарасида коник махсус нуқталари бўлган соҳалар учун юқоридаги масалалар А.Кытманов ва С.Мысливецларнинг ишларида қаралган.

$z^0 \in \partial D$ нуқта $f \in \mathcal{L}^1(\partial D)$ функциянинг Лебег нуқтаси дейилади, агар

$$\lim_{\varepsilon \to 0} \frac{1}{\varepsilon^{2n-1}} \int\limits_{\partial D \cap B(z^0,\varepsilon)} |f(\zeta) - f(z^0)|\, dS = 0,$$

бўлса. Бунда $B(z^0,\varepsilon)$ - маркази z^0 ва радиуси ε бўлган шар, $dS - \partial D$ нинг силлиқ қисмидаги Лебегнинг сирт ўлчови. Агар z^0 нуқта ∂D учун силлиқлик нуқтаси бўлса, бу одатдаги Лебег нуқтасининг таърифи бўлади. Агар нуқта коник қиррада ётган бўлса, бу янги таьриф ҳисобланади. Агар f функция z^0 нуқтада узлуксиз бўлса, у f функциянинг Лебег нуқтаси бўлади.

Теорема 13. *Агар z^0 нуқта $f \in L^1(\partial D)$ функциянинг Лебег нуқтаси бўлса, у ҳолда конуснинг ўқида ётувчи $z \in D$ қуйидаги тенглик ўринли бўлади:*

$$\lim_{z \to z^0} \Big(\int\limits_{\partial D} (f(\zeta) - f(z^0)) U(\zeta, z) - \int\limits_{\partial D \setminus B(z^0, |z - z^0|)} (f(\zeta) - f(z^0)) U(\zeta, z^0) \Big) = 0.$$

Берилган $z \in \partial D$ нуқта учун $\mathcal{C}_z$ ни D соҳанинг z нуқтасидаги уринма конус деймиз. Чегаранинг сингуляр кўринишидан, унинг қиймати $\mathcal{C}_z$ учун $\tau(z) \in [0,1]$ жисмли бурчакка тенг бўлади. Агар ∂D z нуқтада силлиқ бўлса, унда $\tau(z) = \dfrac{1}{2}$ бўлади. Коник қиррада ётувчи z нуқта учун $0 < \tau(z) < 1$ бўлади. $z \in \partial D$ нуқта учун f нинг Бохнер-Мартинелли махсус интеграли

$$F_s(z) = \mathrm{pv} \int\limits_{\partial D} f(\zeta) U(\zeta, z) = \lim_{\varepsilon \to +0} \int\limits_{\partial D \setminus B(z,\varepsilon)} f(\zeta) U(\zeta, z)$$

бўлади.

$m_z(f)(\delta)$ орқали f функциянинг $z \in \partial D$ нуқтасидаги узлуксизлик модулини белгилаймиз, яъни,

$$m_z(f)(\delta) = \sup_{\zeta \in \partial D \cap B(z,\delta)} |f(\zeta) - f(z)|.$$

Агар

$$pv \int_0^1 m_z(f)(\delta) \frac{d\delta}{\delta} < \infty$$

бўлса, f функция ∂D сиртнинг $z \in \partial D$ нуқтасида Дини шартини бажаради дейилади.

Теорема 14. *Агар $f \in \mathcal{L}^1(\partial D)$ функция $z \in \partial D$ нуқтада Дини шартини бажарса, у ҳолда Бохнер-Мартинелли махсус интеграли $F_s(z)$ мавжуд ва қуйидаги Сохоцкий-Племел формуласи ўринли*

$$F^+(z) = (1 - \tau(z)) f(z) + F_s(z),$$

$$F^-(z) = -\tau(z) f(z) + F_s(z),$$

бўлади. Бунда $F^+(z)$ - Бохнер-Мартинелли интеграли F нинг D соҳанинг ичидаги чегаравий қиймати, $F^-(z)$ эса F нинг D соҳа ташқарисидаги чегаравий қиймати.

Қуйидаги теорема Бохнер-Мартинеллининг сакраш ҳақидаги теоремасини умумлаштиради.

Теорема 15. *Айтайлик,* $f \in \mathcal{L}^1(\partial D)$ *ва* z^0 *-* f *функциянинг Лебег нуқтаси бўлсин. У ҳолда қуйидаги формула ўринли*

$$\lim_{z^\pm \to z^0} \left(F^+(z^+) - F^-(z^-) \right) = f(z^0)$$

z^+ *ва* z^-, *мос равишда* D *ва* $\mathbb{C}^n \setminus \bar{D}$ *даги конуснинг ўқларида ётувчи нуқталар бўлиб,* $|z^+| = |z^-|$ *бўлади.*

Тўртинчи бобнинг иккинчи параграфида коник қиррали соҳаларда функцияларни голоморф давом эттириш ҳақидаги теоремалар исботланган.

Айтайлик, Ω - $\mathbb{C}^n$ даги очиқ чегараланган тўплам бўлиб, S бу тўпламни иккита очиқ тўпламлар $\Omega \setminus S = \Omega^+ \cup \Omega^-$ га ажратсин, бунда Ω^+ тўпламда x_{p+2} координатаси $x_{p+2} > 0$ бўлсин.

Бундан ташқари $f \in \mathcal{L}^1(S)$ деб қараймиз. Бу эса f M тўпламда интегралланувчи функция эканини билдиради. M_ε тўпламни қуйидагича белгилаймиз

$$M_\varepsilon = \Sigma_\varepsilon \times X'',$$

бунда

$$\Sigma_\varepsilon = \{(x', x_{p+2}) \in \mathbb{R}^{p+2} : \backslash x_1 = \varphi(t) y_1, \ldots, x_{p+1} = \varphi(t) y_{p+1}, x_{p+2} = t,$$
$$y = (y_1, \ldots, y_{p+1}) \in X', 0 < \varepsilon \le t \le \varepsilon_0\}.$$

У ҳолда $\partial M_\varepsilon = \partial \Sigma_\varepsilon \times X''$ бўлиб,

$$\partial \Sigma_\varepsilon = \{(x', x_{p+2}) \in \mathbb{R}^{p+2} : x_1 = \varphi(\varepsilon) y_1, \ldots, x_{p+1} = \varphi(\varepsilon) y_{p+1}, x_{p+2} = \varepsilon, y \in X',\}$$

бўлади.

Унда А.Кытманов ва С.Мысливецларнинг ишларида ∂M_ε да dM нинг Лебег ўлчови

$$c_1 \varphi^p(\varepsilon) d\sigma(y) dx'' \le dM \le c_2 \varphi^p(\varepsilon) d\sigma(y) dx'',$$

бунда $d\sigma(y)$ - X' даги Лебег ўлчови, $dx'' = dx_{p+3} \cdot \ldots \cdot dx_{2n}$ эса X'' даги Лебег ўлчови (А.Кытманов ва С.Мысливец ишида сингуляр нуқтали сиртлар учун исботланган, аммо у бизнинг сингуляр қиррали ҳол учун осон ўтказилади).

Айтайлик, $f \in \mathcal{L}^1(S)$ бўлсин. Қуйидаги ифодани қараймиз

$$s_f(\varepsilon) = \int_{X' \times X''} |f| \, d\sigma(y) dx'', \quad x_{p+2} = \varepsilon$$

тайинланган, бунда $f = f(\varphi(\varepsilon) y, \varepsilon, x'')$. Берилган интеграл деярли барча $\varepsilon \in [0, \varepsilon_0]$ учун Фубини теоремаси бўйича аниқланган.

Қуйидаги белгилашни бажарамиз:

$$P_m(x) = \int_S f(\zeta) \frac{dS(\zeta)}{|\zeta - x|^m}, \quad x \in \Omega \setminus S,$$

бунда

$$\zeta = (\zeta', \zeta_{p+2}, \zeta'') = (\zeta_1, \ldots, \zeta_{2n}), m > 0.$$

Теорема 16. *$f \in \mathcal{L}^1(S)$ ва бирор $N\,(N \geq -p)$ учун $\varepsilon \to +0$ да $s_f(\varepsilon) = O(\varphi^N(\varepsilon))$ бўлсин, у ҳолда*

1. *Агар $N \leq m-2-p$ бўлса, у ҳолда $|x| \to 0$, $x \in \Omega^{\pm}$ да*

$$P_m(x) = O\left((\varphi(|x|))^{N+p+1-m}\right)$$

бўлади;

2. *Агар $m-p-2 < N \leq m-p-1$ бўлса, у ҳолда $|x| \to 0, x \in \Omega^{\pm}$ да*

$$P_m(x) = O\left(\frac{\left|\ln\varphi(|x|)\right|}{\left(\varphi(|x|)\right)^{m-N-p-1}}\right)$$

бўлади;

3. *Агар $N > m-p-1$, бўлса, у ҳолда $|x| \to 0$, $x \in \Omega^{\pm}$ да*

$$P_m(x) = O(1).$$

бўлади. Теоремада келтирилган баҳолар текис равишда эришилади.

Бохнер-Мартинелли ядросини кўринишини эслатамиз

$$U(\zeta, z) = \frac{(n-1)!}{(2\pi i)^n}\sum_{k=1}^{n}(-1)^{k-1}\frac{\overline{\zeta_k} - \overline{z_k}}{|\zeta - z|^{2n}}d\overline{\zeta}[k] \wedge d\zeta,$$

бунда $d\zeta = d\zeta_1 \wedge \cdots \wedge d\zeta_n$, $d\overline{\zeta}[k] = d\overline{\zeta_1} \wedge \cdots \wedge d\overline{\zeta}_{k-1} \wedge d\overline{\zeta}_{k+1} \wedge \cdots \wedge d\overline{\zeta}_n$.

Агар f функциянинг Бохнер-Мартинелли интеграли:

$$F(z) = \int_S f(\zeta)U(\zeta, x)x \notin S$$

бўлса, унда қуйидаги тасдиқлар ўринли бўлади.

Натижа 5. *Юқоридаги теорема шартлари бажарилганда:*

1. *Агар $N \leq 2n-p-3, |x| \to 0, x \in \Omega^{\pm}$ да*

$$F(x) = O\left((\varphi(|x|))^{N+p+2-2n}\right)$$

бўлади.

2. *Агар $2n-p-3 < N \leq 2n-p-2$, бўлса, у ҳолда $|x| \to 0$, $x \in \Omega^{\pm}$ да*

$$F(x) = O\left(\frac{\left|\ln\varphi(|x|)\right|}{\left(\varphi(|x|)\right)^{N+p+2-2n}}\right)$$

бўлади.

3. *Агар $N > 2n-p-2$, бўлса, у ҳолда $|x| \to 0, x \in \Omega^{\pm}$ да*

$$F(x) = O(1)$$

бўлади. Натижада келтирилган баҳолар текис эришади.

Кейин, Гартогс-Бохнер теоремасининг $\mathbb{C}^n$ даги чегараланган коник қиррали D соҳадаги умумлашмаси келтирилган.

Айтайлик, D - $\mathbb{C}^n$ даги чегараланган соҳа бўлиб, $n>1$ бўлсин. D соҳанинг чегараси

$$\partial D = Y \cup S_1 \cup S_2 \cup \ldots \cup S_m,$$

кўринишида бўлсин деб фараз қилайлик, бунда Y $\mathcal{C}^1$ синфга тегишли силлиқ гиперсирт, ҳар бир S_ν да S - диффеоморф сингуляр гиперсирт (юқорида кўрилган) (турли p_ν ва турли X'_ν, X''_ν кўпёқликлар).

Ҳар бир сингуляр сирт S_ν қуйидаги кўринишда $S_\nu = M_\nu \cup F_\nu$ ифодаланиб, бунда M_ν ; X'_ν, X''_ν лар билан аниқланадиган кўпёқликларнинг силлиқ қисми, φ_ν (юқорида қаралган функция), F_ν сингуляр қирра.

Теорема 17. *Айтайлик,* $\mathbb{C}^n \setminus \overline{D}$ *- тўплам боғламли бўлсин. Агар* $f \in \mathcal{L}^1(\partial D)$ *функция* $\partial D \setminus (F_1 \cup \ldots \cup F_m)$ *да узлуксиз ва ушбу*

$$\int_{\partial D} f \overline{\partial} \omega = 0$$

шартни қаноатлантирса, бунда ω *-* $\mathbb{C}^n$ *да* $(n, n-2)$ *типдаги коэффициентлари* $\mathcal{C}^\infty$ *синфли ихтиёрий дифференциал форма, бундан ташқари ҳар бир сингуляр қирра атрофида* $s(f) = O(\varphi_\nu^N(\varepsilon))$, $\varepsilon \to 0$ *шарт бажарилади,* $N > 2n-2-p_\nu$ *барча* $\nu = 1, \ldots, m$ *учун, у ҳолда* $\mathcal{H}^\infty(D)$ *синфга мансуб бўлган* F *функция мавжуд бўлиб, бу* F *функция ҳар бир* $z \in \partial D \setminus (F_1 \cup \ldots \cup F_m)$ *да узлуксиз ва у бу тўпламда* f *функция билан устма-уст тушади.*

Шуни таъкидлаш керакки, барча ν лар учун $2n-2-p_\nu \geq 0$. Яна шуни эслатамизки, $\mathcal{H}^\infty(D)$ фазо голоморф ҳамда D да чегараланган функциялардан ташкил топган.

Қуйидаги теоремада ∂D чегара худди олдинги пунктдагидай, фақат $\mathcal{C}^1$ силлиқлик ўрнига чегаранинг силлиқ қисмлари $\mathcal{C}^2$ силлиқликка эга деб фараз қиламиз.

Теорема 18. *Айтайлик,* $f \in \mathcal{L}^1(\partial D)$ *функция* $\partial D \setminus (F_1 \cup \ldots \cup F_m)$ *да узлуксиз ва ҳар бир сингуляр қирра атрофида* $\varepsilon \to 0$ *(ҳар бир* $N > 2n-1-p_\nu$ *да) ушбу*

$$s(f) = O(\varphi_\nu^N(\varepsilon))$$

шарт бажарилсин. Агар Бохнер-Мартинелли интеграли $F^- = 0$ *(*$\overline{D}$ *дан ташқарида), унда Бохнер-Мартинелли интеграли* F^+ D *соҳада* $\mathcal{H}^\infty(D)$ *синфнинг функцияси бўлади. У ҳар бир* $z \in \partial D \setminus (F_1 \cup \ldots \cup F_m)$ *гача узлуксиз ва бу тўпламда* f *функция билан устма-уст тушади.*

Диссертациянинг «Сингуляр қиррали соҳаларда Бохнер-Мартинелли махсус интегралидан ҳосил бўлган операторлар алгебраси» деб номланувчи бешинчи бобида чегараси коник ҳамда каспидал (острия) қиррага эга бўлган чегараланган соҳаларда Бохнер-Мартинелли махсус интегралидан ҳосил бўлган операторлар алгебрасига бағишланган.

Қуйидаги гиперситрлар синфини қараймиз. $\mathbb{C}^n$ билан $\mathbb{R}^{2n}$ ни қуйидагича тенглаштирамиз $z_j = x_j + \imath x_{n+j}$, $j = 1,\ldots,n$. Яьни

$(z_1,...,z_n) = (x_1,...,x_n,x_{n+1},...,x_{2n}) \in \mathbb{R}^{2n}$, $\quad x = (x_1,...,x_{2n})$, $x' = (x_1,...,x_{p+1}) \in \mathbb{R}^{p+1}$, $x'' = (x_{p+3},...,x_{2n})$, $\quad x = (x', x_{p+2}, x'')$. $\mathbb{R}^{p+1}$ да скаляр кўпайтмани қуйидагича аниқлаймиз:

$$\langle x', y' \rangle = x_1 y_1 + \ldots + x_{p+1} y_{p+1}.$$

Энди $\mathbb{R}^{p+2} \setminus \{0\}$ да координата бошида сингуляр бўлган силлик $\sum$ сиртни

$$\sum = \{(\varphi(r)x', r) \in \mathbb{R}^{p+2} : x' \in X', \;\; r \in [0, R)\},$$

қараймиз. Бунда $\varphi \in C^1[0, R)$ қуйидаги шартларни қаноатлантиради: $\varphi(0) = 0$ ва $\varphi(r) > 0$, $\varphi'(r) > 0$, $r \in (0, R)$. $x' = (x_1,\ldots,x_{p+1})$ нуқталар $\mathbb{R}^{p+1}$ даги компакт, силлиқ гиперсирт X' га ўзгаради (бунда координата боши 0 кирмайди).

Кейинчалик X' ни $X' = \{x' \in \mathbb{R}^{p+1} : \rho(x') = 1\}$ деб қараймиз, бунда ρ C^1 синфдаги $\mathbb{R}^{p+1} \setminus \{0\}$ тўпламда берилган ҳақиқий қийматли функция бўлиб, у $\nabla\rho \neq 0$ (X' да) ва $\rho(\lambda x') = \lambda^h \rho(x')$ (барча $\lambda > 0$, $h > 0$ ўгармас) шартларни қаноатлантиради.

